



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2025
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2025 йил, 1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахроп Саидахмедович Гуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ақлий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари	5
Умар Худайбердиев “Яшил” иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омиллари	9
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасининг виртуаллаштирилган инновацион инфратузилмасини шакллантиришда электрон иқтисодиёт воситаларидан фойдаланиш имкониятлари	12
Sirojiddin Abdullayevich Maxmudov Raqamli iqtisodiyot sharoitda elektron savdoning rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar	16
Jonibek Adxam o'g'li Maxmudov Mintaqani barqaror rivojlantirishda turizm sohasidagi tarkibiy o'zgarishlar va ularda raqamli texnologiyalarning ahamiyati	22
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Бекзод Низамкулович Атамуродов Respublikamizda maxsus iqtisodiy zonalarining bugungi kundagi holati tahlili	28
ТАДБИРКОРЛИК, МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Камбағалликни қисқартиришда иш билан бандликни таъминлашнинг стратегик йўналишлари	31
ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Тулкин Саидахмедович Шарипов Овқатлантириш хизматларини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш имкониятлари	39
Шохида Ильясовна Артикова, Дилафруз Бахриллоевна Абдуллаева Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики	43
Zafarjon A'zamovich Axmedov Tibbiy xizmatlari bozorida iste'molchi (bemor)larning talabini baholash borasida yondoshuvlari	47
Мурод Нозирович Ибрагимов Совершенствование формы и содержания технического задания на оказание консультационных услуг	51
Фарход Анварович Сафаров Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини такомиллаштиришда innovatsion jarayonlarning xususiyatlari	57
Nasiba Ergasheva Keytering outsorsing xizmatlarini rivojlantirishning zamonaviy tryendi sifatida	62
Khudoynazar Ergashev, Azizbek Khabibullaev, Odiliya Soibnazarova Supporting the service sector from the state government mechanism	66

Умар Худайбердиев – СамИСИ доценти, и.ф.н.

“ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада “Яшил” иқтисодиётнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан самарали фойдаланиш натижасида барқарор ривожланиши ифодаланган. Бунинг учун қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш, экологик тоза электромобилларни кўпайтириш, атроф-муҳитни асраш ва кўкаламлаштириш зарурлиги баён қилинган.

Калит сўзлар: “Яшил” иқтисодиёт, қайта тикланадиган энергия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, электромобиллар.

Кириш. Иқлимнинг ўзгариши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ҳавода зарарли газларнинг кўпайиши дунё миқёсида глобал муаммога айланмоқда. Шунинг учун ҳам бу муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада Ўзбекистон ҳам бир неча йиллардан бери атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ҳавога зарарли газларнинг чиқишини камайтириш чораларини кўрмоқда. Табиий газ, кўмир, нефть маҳсулотлари ишлатиладиган электростансиялар ўрнига тоза, арзон, қулай барқарор ҳамда ишончли муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга этибор берилмоқда. Транспорт воситалари, иссиқ хоналар ҳам атроф-муҳитга зарарли газлар чиқаради. Транспорт воситаларини электрлаштириш зарарли газларнинг ҳавога чиқарилишини камайтиради.

Муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида “Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга оид халқаро ташкилотлар: БМТ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти кабилар тегишли қарорлар қабул қилганлар. БМТ 2015 йилда Парижда “Иқлим ўзгариши бўйича глобал келишув” ҳужжатини қабул қилган. Жаҳон банки 2021 йил “Яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича глобал тажрибалар ва Ўзбекистон учун тавсиялар” ҳужжатини тайёрлаган. Олимларимиздан Каримов А., Худойбердиев Ш., Пардаев М.К., М. Мухаммедов кабилар илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Уларнинг илмий ишлари атроф-муҳитни асраш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга қаратилган.

Тадқиқот методологияси. Ушбу илмий ишда “Яшил” иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашда таққослаш усулидан, маълумотларни таҳлил қилиш, жамлаш, синтез қилиш усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. “Яшил” иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш учун атроф-муҳитни мусаффо ҳолда сақлаш, ҳавога зарарли газларнинг чиқишини камайтириш, табиатни асраш ва кўкаламлаштириш зарурлиги муҳимдир. Атроф муҳитни мусаффо сақлаш ва ҳавога зарарли газларнинг чиқишини камайтириш учун, биринчи навбатда, экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш, транспортларни электрлаштириш, чиқиндиларни қайта ишлашни ташкил этиш, кўкаламлаштириш зарур бўлади.

АҚШ, Германия, Хитой каби мамлакатлар қайта тикланадиган энергиядан фойдаланиш, чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича ютуқларга эришган етакчи мамлакатлар ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам кейинги йилларда иқтисодиётни барқарор ривожланиши борасида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбаи бўлган қуёш нури ва шамол ресурсларига бой мамлакат. Мамлакатимизда 320 кун қуёшли бўлиб, ҳисоб -

китобларга кўра куёшдан фойдаланиб 600 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имкони бор экан.

Куёш электр станцияларини куриш учун БААнинг “Masdar”, Франциянинг “Total Eren”, Германиянинг “HyperPartnes” ва бошқа компаниялар фаол иштирок этди. Натижада Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган вилоятларида 3,5 гаваттга 13та йирик куёш ва 3та шамол электр станциялари ишга туширилди. Булар 2021 йилда Навоий вилоятининг Кармана туманида 100 мегаватт қувватли куёш фотоэлектр станцияси, 2022 йил Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида 100 мегаваттга куёш фотоэлектр станциялари ишга туширилди. 2023 йилда эса Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида 220 мегаваттга, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида 200 мегаваттга, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги 200 мегаваттга, Сурхондарё вилоятининг Шерабод туманида 457 мегаватт қувватли фотоэлектр станцияларидир, 2024 йилда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида қуввати 200 мегаватт, Навоий вилоятининг Томди туманида 400 мегаватт, Наманган вилоятининг Поп туманида 200 мегаватт, Тошкент вилоятининг Бўка туманида 50 мегаватт қувватли куёш фотоэлектр станциялари ишга туширилди. Навоий вилоятининг Томди туманида ҳар бирининг қуввати 4,7 мегаваттдан умумий қуввати 500 мегаваттга 11та шамол турбинаси ишга туширилган. Буларнинг барчаси Республикаси Президентининг “2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига асосан амалга оширилмоқда. 2030 йилга қадар мамлакатимиз энергетика тизимида қайта тикланувчи энергия қуввати 25 фоизга етказиш белгиланган.

Тошкент шаҳрида транспорт кўп бўлиб, улар ҳавони ифлослантириётганлиги сабабли электромобилларга ўтмоқда. Шунингдек, экологик тоза транспорт-трамвай ҳаракати йўлга қўйилмоқда. 2023 йилдан бошлаб электромобиллар импортига божхона имтиёзлари белгиланди.

Иссиқхоналардан чиқадиган зарарли газларни камайтириш мақсадида, уларни куёш панеллари ёрдамида ишлайдиган иссиқхоналарга ўтказилмоқда.

Чиқиндиларни қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. Самарқанд, Тошкент, Бухоро шаҳарларида чиқиндиларни саралаш мажмуалари ишга туширилди.

Атроф-муҳитни мусаффо сақлашда дарахтлар ва майдонларни кўкаламлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада кўламли ишлар қилиняпти. Ҳар йили куз ва баҳор пайтлари кўплаб даратлар экиляпти. 2024 йилда 138 миллион тупдан кўпроқ дарахт кўчатлари экилган. Дарахтлар экиш ва уларни парваришlashга ҳудуд ҳокимлари, ҳоким ёрдамчилари, маҳалла “еттилик”лари маъсулдир. Дарахтларнинг ноқунуний кесилишга катта жарималар белгиланган.

Мамлакатимиз Президенти 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодиёт йили деб эълон қилди. Бу йилда амалга ошириш бўйича давлат дастури халқ муҳокамасидан ўтиб қабул қилинди. Дастурда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ҳажмини янада ошириш, яшил технологияларни қўллаш, сувнинг сифатини яхшилаш ва уларни тежаш, яшил ҳудуд кўламини кенгайтириш каби ишларни амалга ошириш режалаштирилган. Дастурдаги ишларни амалга ошириш учун ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йил январ ойида Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи давомида бир неча лойиҳаларни молиялаштиришга келишилди. БААнинг “Masdar” компанияси Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида йирик шамол электр станцияси курилиши режалаштирилди. Мазкур электр станция қуввати 1 гаваттга ташкил этиб, янгидан 600дан кўпроқ иш ўрни яратилади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилганда “Яшил” иқтисодиёт нафақат атроф-муҳитнинг мусаффолигини сақлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш билан бир

вақтда, аҳоли саломатлигини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли даромадларини кўпайтиришиб, турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда “Яшил” иқтисодий ривожлантириш стратегик йўналишларидан биридир. “Яшил” иқтисодий буйича “Ўзбекистон – 2030”да белгиланган режани амалга ошириш учун қўйидагиларга аҳамият бериш зарур:

- “Яшил” иқтисодий ривожлантириш учун илмий тадқиқот ишларни ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- Лойиҳаларга чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда амалга ошишини назорат қилиш;

- “Яшил” иқтисодий омилларидан (қайта тикланадиган энергия, электромобиллар, чиқиндиларни қайта ишлаш, кўкаламлаштириш кабилар) самарали фойдаланиш;

- экилган дарахт кўчатларининг ўсишини ва қуриб қолмаслигини таъминловчи тегишли ходимларнинг маъсулиятини ошириш;

- Аҳолининг экологик билимини ошириш учун ОАВ ва интернет орқали тарғибот ишларини кенгайтириш каби ишларни амалга оширишни таклиф қиламиз.

Умуман олганда, “Яшил” иқтисодий ривожлантириш иқтисодийнинг янада ривожланишига, атроф-муҳит ва табиатнинг мусаффолигига, аҳоли соғлиги ва турмуш фаровонлиги яхшиланишига имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида “Яшил” иқтисодий ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон-2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “Яшил” иқтисодий йили”да амалга ошириш буйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. 2025
3. Каримов А., Худойбердиев Ш. Экологик барқарорлик ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги Т.: “Фан ва технологиялар” нашриёти, 2020
4. www.stat.uz

У.Худайбердиев	U.Khodayberdiev
Важные факторы развития «зеленой» экономики	Important factors of "green" economy development
<p>Аннотация. В данной статье описывается устойчивое развитие «зеленой» экономики как результат охраны окружающей среды и эффективного использования ресурсов. Для этого заявлено, что необходимо использовать возобновляемые источники энергии, увеличить количество экологически чистых электромобилей, защитить и озеленить окружающую среду.</p> <p>Ключевые слова: «Зеленая» экономика, возобновляемые источники энергии, охрана окружающей среды, устойчивое развитие, переработка отходов, электромобили.</p>	<p>Abstract. This article describes the sustainable development of a green economy as a result of environmental protection and efficient use of resources. To achieve this, it is stated that it is necessary to use renewable energy sources, increase the number of environmentally friendly electric vehicles, and protect and green the environment.</p> <p>Keywords: Green economy, renewable energy sources, environmental protection, sustainable development, waste recycling, electric vehicles.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

14.03.2025 йилда теришга берилди. 25.03.2025 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,87. Адади 100 нусха. Буюртма № 0012А/25

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2025.